



## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЭВАЛЮЦИЯСИ

**Шадиева Гулнора Мардиеvна**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

**Кувандиков Шухрат Облоқулович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.д.

**Аннотация.** Мақолада оиласавий тадбиркорликнинг ривожланиши эволюцияси даврларга кўра тарихий ёндашув асосида тадқиқ этилган. Унда оиласавий тадбиркорликнинг илк шаклланиши ва ривожланиши босқичларига кўра ижтимоий – иқтисодий можияти ва тадқиқ этиши йўналишлари ўрганилган. Шунингдек, иқтисодиётда оиласанинг ресурсларни етказиб беришдаги роли, унинг даромадлари, истеъмол ва жамғариш хулқи ҳамда давлат билан ўзаро алоқадорлиги каби функциялари очиб берилган. Шу асосда оиласавий тадбиркорликни ривожлантириши назарияларини кенгайтириш йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** оила иқтисодий назарияси, оиласавий хўжаликлар, уй хўжалиги сектори, оиласавий тадбиркорлик, касаначилик, оиласавий тадбиркорликнинг ривожланиши босқичлари, синергетик ёндошув тамойиллари, синергетиклиг, ўзини-ўзи ташкил этиши хусусиятлари.

## ОЦЕНКА РАЗВИТИЯ СЕМЕЙНОГО БИЗНЕСА

**Шадиева Гульнора Мардиеvна**

Профессор Самаркандинского института экономики и сервиса, и.ф.д.

**Кувандиков Шухрат Облоқулович**

Доцент Самаркандинского института экономики и сервиса, д.э.н.

**Аннотация.** В статье рассматривается эволюция развития семейного бизнеса на основе исторического подхода по периодам. В ней социально-экономическая сущность и направления исследований семейного предпринимательства изучаются по первым этапам становления и развития. Также в экономике раскрывается роль семьи в поставке ресурсов, ее доходное, потребительско-сберегательное поведение, ее взаимодействие с государством. На этой основе предлагаются направления расширения теорий развития семейного бизнеса.

**Ключевые слова:** семейная экономическая теория, семейные фермы, приусадебный сектор, семейное предпринимательство, приусадебное хозяйство, этапы развития семейного предпринимательства, принципы синергетического подхода, синергетика, особенности самоорганизации.

## DEVELOPMENT EVALUATION OF FAMILY BUSINESS

**Shadieva Gulnora Mardievna**

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, i.f.d.

**Kuvandikov Shukhrat Oblokulovich**

Associate Professor of Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of Economics

**Abstract.** The article examines the development evolution of family business based on a historical approach according to periods. In it, the socio-economic nature and research directions of family entrepreneurship are studied according to the first stages of formation and development. Also, the role of the family in the supply of resources, its income, consumption and savings behavior, and its interaction with the state are revealed in the economy. On this basis, directions for expanding the theories of family business development are proposed.

**Key words:** family economic theory, family farms, household sector, family entrepreneurship, homesteading, stages of development of family entrepreneurship, principles of synergetic approach, synergistics, features of self-organization.

## **Кириш.**

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини тадқиқ этишнинг методологик ёндошувида, оила - иқтисодий таҳдил объекти ёки иқтисодий институт сифатида қаралади. Чунки, оила иқтисодий жараёнларнинг барча жиҳатларини қамраб олиб, бир вақтнинг ўзида уй хўжалиги ёки ташкилот, ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи, жамғарувчи ёки инвестор сифатида иштирок этади. Ёки бошқача ёндошилганда, оилавий тадбиркорлик замонавий оила моделининг муҳим ва ажралмас таркибий-функционал элементи ҳисобланади.

Оилвий тадбиркорликнинг шаклланишида уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тадқиқ этиш муҳим услубий аҳамият касб этади. Шу боис, оилавий тадбиркорлик - уй хўжалиги тараққиётининг илк шаклланиш ва ривожланиш босқичини ифода этиб, унга бўлган назарий қарашларни шакллантириш учун муҳим методологик функцияни ўтайди. Бундай ёндошувлар заминида уй хўжалиги - хўжалик юритишнинг асосий ва илғор шакли сифатида унинг ишлаб чиқариш қобиляти ва функциялари ҳамда иқтисодий муносабатлар тизимидағи ўрни тадқиқот обьекти сифатида қаралади (Маршалл, 1993). Бундай хўжаликлар ҳеч қандай ёлланма меҳнатга асосланмаслиги, ташқи алоқаларни ўрнатишда ёпиқ ва имкониятлари чекланган истеъмолчи хўжалик сифатида қаралган.

## **Адабиётлар шархи.**

Уй хўжаликларини тадқиқ этиш йўналишларида уларни нафақат истеъмолчи балки товар ишлаб чиқарувчи хўжалик сифатидаги ёндошувлар инқилобий аҳамият касб этди. Бу борада Беккернинг (2003) ишлари катта қизиқиши ўйғотади. Унинг асарларида оиласда меҳнат тақсимоти уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функциялари, оила даромадларининг тақсимланишини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Оила бозордаги товар ва хизматларни фақат истеъмолчиси эмас, балки ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён этадиган “Янги уй хўжалиги назарияси” (Беккер, 2003) пайдо бўлди.

Шунингдек, уй хўжаликларининг ресурсларни етказиб беришдаги ролини ўрганишда Кейнс (1948) тадқиқотлари диққатга лойиқ. Бунда оила хўжаликларининг даромадлари, истеъмол ва жамғариш хулқи, уларнинг давлат билан ўзаро алоқадорлиги, хўжалик юритишнинг тез ўзгарувчан шароитга мослашишини илмий асослайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон худудларида уй хўжалигида ишлаб чиқариш (касаначилик, хунармандчилик)нинг вужудга келиши тарихан шаклланган бўлиб, ўрта асрларнинг охирига тўғри келади. Масалан, архив маълумотларига кўра 1850 йилларда Самарқанд шаҳридаги оилавий хунармандчилик корхоналарининг махсулотлари ҳатто шаҳар доирасидан чиқиб, бутун Ўрта Осиёга тарқалган. Шу йилларда, Самарқанд шаҳрида 1053 та оилавий хунармандчилик корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг деярли 65 % тўқимачилик билан шуғулланишган, ўша даврда транспортнинг асосий шакли от-улов бўлганлиги боис, эҳтиёжга мувофиқ, корхоналарининг 20 % ни эгарчилик ташкил этган<sup>128</sup>.

Кўриниб турибдики оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари узоқ йиллардан бўён иқтисодий тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Тадқиқот обьектининг мурракаблиги ва хилма-хиллиги туфайли ушбу муаммоларни турли методологик ёндашувлар асосида тадқиқ этиш жараёни давом этмоқда. Бундай ёндошувлар оила иқтисодий назариясини турли йўналишларда ривожлантиришга қаратилган.

Бу борада, Миллий Ҳисоблар Тизимига кўра, уй хўжалиги сектори – ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўлган ягона ва группа шахсларни, мустақил юридик статусга эга бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини ифодалайди (Миллий Ҳисоблар тизими, 1996). Бу секторга ахолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, дехқон (фермер) хўжаликлари ҳамда якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар (новвойлар, хунармандлар, косиблар, этикдўзлар, тикувчилик, электр аппаратураларини тузатиш ва бошқалар)нинг иқтисодий фаолияти киради (Беркинов, 2012).

Бизнингча, уй хўжаликларини тадқиқ этиш йўналишларини қуйидагича гурухлаш мумкин:

**Биринчи йўналиш**, уй хўжаликларининг макроиқтисодий мувозанатни шакллантириш жараёнида тутган ўрни нуқтаи назаридан қараш (Смирнова, 2020).

<sup>128</sup> <https://samshahar.uz/uz/node/42>

**Иккинчи йўналиш** эса, уй хўжалигининг оила даромади шаклланиши нуқтаи назаридан унга мустақил хўжалик юритувчи субект сифатида қаралиб, иқтисодий хатти-ҳаракатлари ўрганилади (Иванова, 2011). Бу бизнинг нуқтаи назаримизга мос келади. Бунда оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш алоҳида аҳамият касб этади (Saidova, 2020).

Оила иқтисодий назариясининг ривожланиши унинг жамиятдаги ўрни, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимишинг ривожланишига таъсир этувчи бир қатор муҳим функцияларини очиб берди (Шодиева, 2008). Бундай назариялар ўз навбатида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳам методологик асос бўлаолади.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига давр ва замон нуқтаи назаридан ҳам ёндошиш мумкин. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида оилавий тадбиркорликни шаклланиши ва ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич, оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари етарлича шаклланмаган даврларни (1993-2012 йиллар) қамраб олса, иккинчи босқич айнан “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги (2012 йил 26 апрел) Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланади. Бу эса, уни алоҳида иқтисодий категория сифатида тан олишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Учинчи босқич эса, янги Ўзбекистон даврига (2016 йилдан бошланади) тўғри келади. Бу давр эса ҳар бир оиласга тадбиркорликни йўлга қўйишнинг манзилли йўналтирилган дастурлари билан ажralиб туради.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳалқаро моделлари ва тажрибаларини ўрганишда ихтисослашган Journal of Family Business Strategy (Elsevier), Family Business Review (Sage) ва Journal of Family Business Management (Emerald) журналлари ҳамда, ҳалқаро оилавий тадбиркорлик тадқиқотлари академиясининг (International Family Enterprise Research Academy) электрон-илмий ресурсларидан фойдаланиш асосида тадқиқотимизнинг услугубий йўналишлари шакллантирилди. Шунингдек, “Google Scholar” қидирув тизимидан “family entrepreneurship”, “Family Business” калит тушунчалари асосида танланган кўплаб илмий манбалардан тадқиқотнинг ахборот базаси учун фойдаланилди.

Ушбу илмий манбаларда 2000-2017 йилларда нашр этилган оилавий тадбиркорликга оид тадқиқот натижалари асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг самарали усулларини ўрганиш мақсади белгиланди. Бунда оилавий тадбиркорликни тадқиқ этиш услугиёти, қўлланилган назария, таърифлар ва тадқиқ этилган асосий ғоялар ва маълумотларни таҳлил этишда қўлланилган статистик инструментлар контент-таҳлилимини қамраб олди.

Мазкур мезонлар асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга оид тадқиқотлар йўналишлар бўйича тизимлаштирилди. Жумладан, оилавий тадбиркорликнинг моҳияти ва унинг нооилавий корхоналардан фарқли жиҳатлари (Anderson & Reeb 2003; Tanewski and other, 2003; Beehr and other 1997; Daily & Dollinger, 1992) оилавий бизнеснинг иқтисодиёт ва саноатни ривожлантишдаги роли ҳамда, интернационализация масалалари (Gallo, Miguel Angel and other, 1991), оилавий бизнеснинг капитал таркиби, молиявий ресурслари ва бизнесга харажатлари ҳамда молиявий қарорларига таъсир кўрсатувчи омиллари (Romano, Tanewski and other, 2001; Blanco-Mazagatos and other, 2007), оилавий фирмада тасисчининг ўрни ва унинг стратегик ҳатти-ҳаракатини режалаштириш масалалари (Kelly, 2000; Kets de Vries 1993), оилавий ва оилавий бўлмаган бизнесдаги фарқларни ўрганишда маданий ва ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятлари (Duh, Belak and other, 2010), оилавий бизнес ва худудлар ривожланиши ўртасидаги боғлиқликнинг назарий модели ишлаб чиқилган (Basco, 2015) шунингдек, иқтисодиётда оилавий фирмаларнинг афзалликлари, корпоратив бошқарув ва тадбиркорликнинг ривожланишига институционал ёндошув нуқтаи назаридан, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган (Banalieva, Eddleston and other, 2015).

Бу бора, россиялик олимлар (Бархатова, 1999; Календжян, Волков, 2011; Корчагина, 2015;) оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, типлари, таснифланиши ва назарий концептуал асосларини ривожлантириш муаммоларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этган.

Мазкур келтирилган оилавий тадбиркорликни тадқиқ этишнинг методологик ёндошувларини ўрганиш, ҳамда тадқиқ этилган асосий муаммо ва ғояларни қиёсий таҳлил этиш асосида улар қўйидаги гурухлар бўйича тизимлаштирилди:

оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг ривожланиш босқичлари ва ҳаётий циклини ўрганиш (Волков, 2011);

- бизнесда оиланинг роли, оила ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегиялари ҳамда оилавий корхона бошлиғининг оила аъзолари ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари (Королев, 2007);
- оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бизнесга нисбатан афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили (Suhail Sultan and other 2017);
- оилавий бизнесни бошқариш, бизнеснинг авлоддан авлодга ўтиши (узлуксизлиги), мерос ва гендер масалалари (Anna Motylska-Kuzma, 2017);
- оилавий тадбиркорлик даромадлари ва мулкини кўпайтириш ҳамда бандликни ошириш муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар (Kotlar and other, 2014).

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолада анкеталаштирилган сўровнома натижалари илмий абстракциялаш, эмпирик, тасвирий статистика, гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил тадқиқот усуллари орқали таҳлил этилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Илмий манбаларни ўрганиш асосида оилавий тадбиркорликга оид тадқиқотлар қиёсий таҳлил этилди. Бунда, оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, муаллифлик таърифи ҳамда тадқиқ этилган асосий ғоялар ўрганилди. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатдики, оилавий тадбиркорлик тушунчасига берилган таърифлар хилма-хил таснифий белгиларга асосланиши ва бу борада ягона умумий ёндошувнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бу борадаги тадқиқотлarda оилавий тадбиркорликнинг моҳиятини очиб беришда, унинг муаян бир оиласа тегишлилиги, оила бошлиғи томонидан бошқарилиши ва унинг аъзолари меҳнат жараёнини ташкил этиши каби жиҳатлари асос қилинган ҳолда таъриф берилган (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

### **Оилавий тадбиркорликга оид тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили (Абулқосимов, Қулматов, 2015)**

Муаллиф	Оилавий тадбиркорликга берилган таъриф	Тадқиқ этилган калит тушунчалар
“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўз.Р Қонуни	Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб тва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.	Мазкур қонун 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган, унинг таркиби 7 та боб ва 35 та моддадан иборат этиб белгиланган.
Абулқосимов Ҳ.П, Қулматов А.А.	Оила хўжалигини юритувчи ва оилавий тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи шахс тадбиркор ҳисобланади. Оиланинг бошқа аъзолари эса эркин ишчи-хизматчи бўлиб, олинган даромадга эгалик қилиш хуқуқига эга бўлади.	Оилавий тадбиркорлик – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим ташкилий-хуқуқий шакли сифатидаги моҳияти очиб берилган, иқтисодиётдаги аҳамияти ва роли ҳамда уни ривожлантириш йўллари таҳлил этилган.
Бархатова Н.М	Оила бошлиғи томонидан ташкил этилган ва унда оила аъзолари турли лавозимларда ишлайдиган бизнес тури	Оилавий бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари; оила бошлиғининг ўз тадбиркорлик фаолиятига қариндошларини жалб этиши; бизнесда оиланинг роли; оилавий бизнесини юритишда уни ташкил этувчиларнинг оила аъзолари ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари; оилавий бизнеснинг нооилавий бизнесга нисбатан афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили

Волков Д. А.	Муваффақият мезони молиявий кўрсаткичлардан иборат бўлмаган, оила томонидан "бир одам бошқаруви"ни назарда тутадиган компания ривожланишининг маълум бир босқичи.	Оилавий бизнес тушунчаси таърифи; оилавий компанияларнинг корпорациялардан афзаллик жихатларини аниқлаш; оилавий бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; оилавий бизнеснинг ривожланиш босқичлари ва ҳаётий циклини таҳдил қилиш.
Пардаев М.К. Курбонов З.Н.	Оилавий мулкга асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик фаолияти	Оила даромадларини ошириш ва фаровонлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.
Королев В. А.	Тадбиркорликнинг бир тури бўлиб, унинг фаолиятида оила аъзолари иштирок этадиган хусусий ёки шериклик компанияси	Оилавий бизнеснинг асосий тушунчалари мажмуасини ишлаб чиқиш; компания турларини таснифлаш; оилавий бизнеснинг стратегик бошқаруви; корпоратив бошқаруви; мерос масалалари; стейкхолдер ёндошуви; Россияда оилавий бизнесининг хусусиятлари
Календжян С.О, Волков Д. А.	Мавжуд эмас	Оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари; узлуксизлиги ва бизнес мероси; оилавий бизнесни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини эмпирик тадқиқоти; оилавий бизнес қадриятлари; оила идораси.
Корчагина Е.В	Мавжуд эмас	Оилавий тадбиркорлик тушунчасини аниқлашнинг концептуал ёндашуви; оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳатлари; институционализация муаммоси; оилавий бизнеснинг узлуксизлиги ва самарали ташкилий тузилмаси.
Sam C. Okoroafo	Оилавий бизнес - бу унинг эгаси томонидан ўзини оилавий бизнес мақомида белгилашидир	Оилавий бизнеснинг байналмиллашув даражаси; оилавий бизнеснинг экспортдаги имкониятлари; оилавий бизнесда биринчи ва иккинчи авлод алмашинувида юзага келадиган муаммолар.
Шодиева Г.М.	Оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади.	Оила ва оила хўжалиги тушунчасини ижтимоий-иктисодий моҳиятининг қиёсий таҳлили; оила хўжалиги мулки ва даромадларини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ўрганилган.
Черницкий. А.	Соҳиби оилавий бизнес деб хисоблайдиган бизнес тури	Оилавий бизнеснинг таърифи; оилавий бизнесининг ўзига хос хусусиятлари; оила бизнесини юритишда уни тасисчиси билан оила аъзолари ва бошқа ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги муаммолар; оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бошқа турдаги корхоналар билан таққослаганда унинг афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили
Чуя Ж. Ҳ., Чрисман Ж.Ж., Шарма П.	Рахбарлиги ва бошқаруви бир оиланинг аъзолари ёки кўп сонли оиласлар томонидан бошқариладиган, бизнесни ривожлантириш концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш учун потенциал турғунликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бизнес бўлиб, оиланинг бир неча авлодлари учун барқарорликни таъминлайди	Россияда капитал эгаларининг эмпирик тадқиқотлари; асосий қадриятлар; оилавий қадриятлар; шахсий қадриятлар, капитал эгаларининг қадриятлар қиёфаси; бизнес ва фаровонликнинг авлоддан авлодга ўтиши; қадриятлар ва дунёқарашларни авлоддан авлодга ўтиши; оила ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегияси; хайрия ва ижтимоий масъулият

Шу каби оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга оид назариялар ўзига хос ёндошувлар асосида бир неча йўналишларда давом этмоқда. Бундай мураккаб жараёнларни

чукур ўрганиш ва таҳлил килиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндошиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси сифатидаги синергетик ёндошув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан кенг фойдаланиш заруратини юзага келтиримоқда. Синергетика методларини оиласидан тадбиркорлик соҳасида қўлланиши унинг ривожига катта хисса қўшиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш жараёнининг ҳам "синергетиклиги", яъни, ўзини-ўзи ташкил этиш хусусиятига эгалиги тўғрисидаги ғояларни исботлайди.

Синергетика тушунчаси (юононча "synergetikos" – "ҳамкорлик", "ҳамдўстлик", "биргаликда ҳаракат") маъноларини англатади (Бозоров, 2010). Синергетиканинг муҳим жиҳати шундаки, у ўзини-ўзи бошқарувчи тизимларда фаолият қўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга қаратилганлигидир. Ёки бошқача айтганда синергетика мураккаб тизимларни, ўзини-ўзи ташкил этиш ҳодисаларини ўрганаётган билим соҳаларига талуқли бўлган, универсал методологик парадигма бўлиб, ўрганилаётган предмет ва обьектга ягона фанлараро ёндошувни намоён этади.

Бизнингча оиласидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва бошқаришга синергетик ёндошув тамойилларини қўллаш асосида унга қуидагича таъриф бериш мумкин. Оиласидан тадбиркорлик деганда умумий оиласидан капиталга таяниб, оила аъзоларининг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро қўмаклашуви ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Бундай ёндошув натижасида оиласидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқариш тизимини "ўзини-ўзи ташкилаштириш" ва "ўзини-ўзи бошқариш" тамойиллари асосида такомиллашувига эришиш мумкин.

Оиласидан тадбиркорликга оид тадқиқотларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил этиш натижасида қуидаги назарий ҳулосаларга келинди:

- мазкур тадқиқотда оиласидан тадбиркорликнинг шаклланиши "оила - уй хўжалиги - оиласидан тадбиркорлик" босқичидаги ривожланиш эволюциясига амал қилиши назарий жиҳатдан асослантирилди;

- оиласидан тадбиркорликнинг ривожланиши унинг рақобатдаги устунлиги ва бир қатор афзалликларига асосланади. Унинг бундай жиҳатлари оила қадриятлари тизими ва ундаги юқори бизнес – маданият (ўзаро ишонч ва хурмат, ягона мақсад, иноқ жамоа, умумий манфаат, умумий капитал, умумий даромад (фойда), умумий бюджет)нинг мавжудлиги билан намоён бўлади;

- оиласидан тадбиркорликнинг муваффақиятга эришишида "оила мулки" зарурий шарт бўлиб, оила аъзоларининг меҳнати ва уларнинг бизнесдаги иштироки эса улкан имкониятлар манбаи бўлиб хизмат қиласиди;

- оиласидан тадбиркорликнинг узлуксизлиги (давомийлиги, яшовчанлиги)ни таъминлаш, кейинги авлод иштирокини зарурат этади (Волков, 2012).

### **Ҳулоса ва тақлифлар.**

Ҳулоса қилиб айтиш жоизки, ушбу мавзу доирасида ўрганилган маҳалий ва хорижий тадқиқотларни қиёсий таҳлил этиш асосида, оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш назариясини қуидаги йўналишларда кенгайтириш мақсадга мувофиқ келади:

**Биринчидан**, оиласидан тадбиркорлик муҳим ижтимоий-иқтисодий категория, хўжалик юритишнинг илғор шакли ҳамда аҳолини ўз-ўзини банд этишдаги аҳамиятидан келиб чиқганда у қўшимча ривожлантирувчи таснифлаш тизимига эхтиёж сезмоқда.

**Иккинчидан**, ўрганилган тадқиқотларга асосланниб шундай ҳулосага келинди, оиласидан тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб беришда қарама-қарши фикрлар билан бирга жуда яқин бўлган ёндошувлар ҳам мавжуд. Бу эса ўрганилаётган обьектга ягона ёндошув услубларини қўллаш имкониятларини чеклайди. Булар, оиласидан тадбиркорликнинг турли хил терминологик талқинлари билан боғлиқ.

**Учинчидан**, оиласидан тадбиркорликда ташқи аъзолар (ёлланма ишчилар), оила бошлигининг (раҳбарнинг) оиладан ташқари роли ва уларнинг ўзаро меҳнат муносабатлари тизимидағи роли масалалари тадқиқот обьекти сифатида кам ўрганилган.

Ушбу йўналишларда илмий тадқиқотларни олиб бориш эса, тадқиқот натижаларини синергетика тамойиллари асосида маълум бир йўналишда бирлаштириш ёки умумлаштиришда методологик функция вазифасини ўтайди.

**Адабиётлар /Литература/Reference:**

- Маршалл, А. (1993) Принципы экономического науки / А. Маршалл. – М.: Прогресс Универс. В 3-х томах. – Т.2. – 594 с.
- Беккер, Г.С. (2003) Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Беккер: пер. с англ./Сост., науч. ред. послесл. Р. И. Капелюшкинов; предисл. М.И.Левин.- М.: ГУ ВШЭ,-672 с.
- Кейнс Дж. (1948) Общая теория занятости процента и денег. - М.: Прогресс, - С. 238-240.
- Миллий Хисоблар тизими (1996) // Иқтисод ва ҳисобот. №3-4, 54-56 б.
- Беркинов Б. (2012) Ўзбекистон иқтисодиётида уй ҳўжаликларининг ўрни ва истиқболда ривожланиш тенденциялари. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV – го форума экономистов (Часть II). – Т.: ПРООН, ИПМИ, – 172 б.
- Смирнова М.М. (2020) Эволюция взглядов на категорию “Домохозяйство” в рамках классической экономических школ // Вестник ВУиТ. 2016. № 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-vzglyadov-na-kategoriyu-domohozyaystvo-v-ramkah-klassicheskoy-i-neoklassicheskoy-ekonomicheskikh-shkol> (дата обращения: 02.02.2020).
- Иванова Н.А. (2011) Теоретические подходы к исследованию домохозяйства как экономического субъекта // Вестник ОГУ.. №13 (132). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-podhody-K-issledovaniyu-domohozyaystva-kak-ekonomicheskogo-subekta>
- Saidova M.Z. (2020) The important problem – increase of incomes household // European journal of economics and management sciences. 2017. № 4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-important-problem-increase-of-incomes-household> (дата обращения: 02.02.2020).
- Шодиева Г. (2008) Оила ҳўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий - иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Самарқанд.
- Anderson R.C. and Reeb D.M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 //Journal of Finance, no. 58, pp.1301-1328.
- Tanewski G.A., Prajogo D., Sohal A. (2003) Strategic orientation and innovation performance between family and non-family firms. Presented at the World Conference of the International Council of Small Business. Monash University.
- Beehr T., Drexler J. A. and Faulkner S. (1997) Working in small family businesses: Empirical comparisons to non-family businesses. Journal of Organizational Behavior, no. 18(3), pp. 297-312.
- Daily C.M. and Dollinger M.J. (1992) An empirical examination of ownership structure in family and professionally managed firms // Family Business Review, Vol. 5, No.2. pp. 117-136.
- Gallo, Miguel Angel, and Jannicke Sveen. (1991) "Internationalizing the family business: Facilitating and restraining factors." Family Business Review 4.2: 181-190.
- Romano C. A., Tanewski G.A., Smyrnios K.X. (2001) Capital structure decision making: A model for family business // Journal of business venturing. – Т. 16. - № 3. pp. 285-310.
- Blanco-Mazagatos V., de Quevedo-Puente E., Castrillo L. A. (2007) The trade-off between financial resources and agency costs in the family business: An exploratory study//Family Business Review. -T.: 20. - № 3.- pp.199-213.
- Kelly L.M., Athanassiou N. and Crittenden W. F. (2000). Founder Centrality and Strategic Behavior in the Family-Owned Firm. Entrepreneurship Theory and Practice, no.25 (2), pp. 27-42.
- Kets de Vries M. (1993). The Dynamics of Family Controlled Firms: The Good and the Bad News. Organizational Dynamics, no. 21(3), pp. 59-71.
- Duh M., Belak J. and Milfelner B. (2010). Core Values, Culture and Ethical Climate as Constitutional Elements of Ethical Behaviour: Exploring Differences Between Family and Non-Family Enterprises // Journal of Business Ethics, no. 97, pp. 473-489.
- Basco, R. (2015) Family business and regional development - A theoretical model of regional familiness. Journal of Family Business Strategy, <http://dx.doi.org/10.1016/j.jfbs.2015.04>
- Banalieva E.R., Eddleston K.A., Zellweger T.M. (2015) When do family firms have an advantage in transitioning economies? Toward a dynamic institution-based view // Strategic Management Journal. – Т.: 36. № 9. – с. 1358-1377.

Бархатова Н.М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, №2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>; Волков Д.А. Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, 2011, вып. 2, с.11-16.

Календжян С.О. и Волков Д.А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // Экономическая политика, № 5, с. 148- 154.

Корчагина Е.В. (2015) Исследования семейного бизнеса в России: подходы к определению и концептуальные особенности. *Journal of Economic Regulation* (Вопросы регулирования экономики) Том 6, №4., с 37-45.

Волков Д.А. (2011) Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство,, вып. 2, с.11-16.

Королев В.А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: Структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // Российский журнал менеджмента, № 5 (3), с. 145-174.

Suhail Sultan, Andre de Waal, Robert Goedegebuure. (2017) "Analizing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework", *Journal of Family Business Management*, Vol. 7 No 3, pp. 242-255.

Kotlar, J., Fang, H., De Massis, A. and Frattini, F. (2014), "Profitability Goals, control goals, and the R&D investment decisions of family and nonfamily firms", *Journal of Product Innovation Management*, Vol. 31 No.6, pp. 1128-1145.

Anna Motylska-Kuzma, (2017) "The financial decisions of family businesses", *Journal of Family Business Management*, Vol. 7 Issue: 3, pp. 351-373.

Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. (2015) Ўзбекистон Республикасининг "Оиласий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни (2012 йил 26 апрел); Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириши йўллари. Монография. –Т.: "Университет", - 125 б.

Бозоров Д. (2010) Синергетик парадигма. Монография. "Тафаккур" нашриёти. –Т.:

Волков Д.А. (2012) Обоснование развития теории семейного бизнеса// Российское предпринимательство. –Том 13. -№ 8. – С. 23-28.